



20 20 у. « 12 » август

№ Қ-376

« » 20 г.

**Термиз тумани “Сурхон Намуна” массиви
“Мустақиллик” маҳалласи худудидан
“MUSTAQIL SHER TERMIZ” МЧЖга
“Иссиқхона” қуриш ва “Интенсив боғ”
барпо этиш мақсадида ер майдони
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 05-02/447-сон йиғилиш баёни ва Термиз туман ҳокимининг 2020 йил 24 июндаги 01-08/261-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 05-02/447-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Сурхон Намуна” массиви “Мустақиллик” маҳалласи худудидан “MUSTAQIL SHER TERMIZ” МЧЖга туман ҳокимлиги заҳирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 328қ-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 42,0 балл бонитетли жами 3,0 гектар суғориладиган экин ер шундан, 1,0 гектари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида “Иссиқхона” биносини қуриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан 2,0 гектари “Интенсив боғ” барпо этиш мақсадида доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “MUSTAQIL SHER TERMIZ” МЧЖ Раҳбари Ш.Турсуновга:

“Иссиқхона” қуриш учун ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши:

мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги заҳирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокимининг
биринчи ўринбосари**



Р.Пардаев